ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ҲАДИСЛАРНИ ҚАБУЛ ВА РИВОЯТ ҚИЛИШДАГИ УСЛУБЛАРИ

МЕТОДЫ ПОЛУЧЕНИЯ И ПЕРЕДАЧИ ХАДИСОВ ИМАМОМ БУХАРИ

THE METHODOLOGICAL PRINCIPLES OF IMAM AL-BUKHARI IN THE AUTHENTICATION AND TRANSMISSION OF HADITHS

QOBILOV Nodir Siddiqovich
Imam Bukhari International Scientific and Research Center Researcher
e-mail:nodirxon.ustoz@gmail.com

DOI: 10.47980/IIAU/2025/3/5

Аннотация: *Мазкур мақолада ислом илмлари тарихида алоҳида мавқега эга бўлган Имом Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг (810–870) ҳадис ривоят қилишдаги услублари таҳлил қилинган. Муаллифнинг ровийдан ҳадис қабул қилиш ва етказишдаги қатъий шартлари, ҳадисларни тўплаш ва уларни таснифлаш жараёнидаги ровийларни танлаш услуби, саҳиҳлик шартларининг айримлари, "Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" асарининг ёзилиш услуби ва асарнинг номланишиш сабаблари баён қилинган. Жумладан, муҳаддиснинг устозларни танлаш ва санад ровийлари ҳақидаги ёндашувларни ўз ичига олади.*

Шунингдек, мақолада муаллифнинг санад ва матн танқидини олиб бориш йўллари ҳамда ривоятдаги ишончлилик мезонлари илмий нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Имом Бухорийнинг "Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ" ва бошқа асарларида ривоят қилиш услублари мисоллар орқали ёритилади.

Бундан ташқари, Имом Бухорий қўллаган услуб таҳлил қилиниб, амалда қўлланилиши ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Имом Бухорийнинг ҳадисларни қабул ва ривоят ҳамда тасниф қилишдаги услублари ҳадис илмида ҳанузгача номаълум бўлган бир қатор илмий, амалий ва назарий методларни очиқлашга ёрдам беради.

Жумладан, мақола Имом Бухорийнинг ҳадисшунослик илмидаги илмий мероси, унинг услублари ислом илмлари ривожида тутган ўрни ва ҳозирги замон исломшуносликдаги аҳамиятини очиб беришга қаратилган.

Мақола том маънода Имом Бухорийнинг ҳадис илми соҳасидаги даражасининг буюклигини амалий жиҳатдан исбот ўлароқ кўрсатиб бериб, муҳаддиснинг шаънига турли асоссиз сўзларни айтувчи тоифаларга раддия сифатида муҳим далил ва манбаларни тақдим этади.

Калит сўзлар: *Имом Бухорий, муҳаддис, услуб, "Саҳиҳул Бухорий", жомеъ, саҳиҳ, ҳадис, санад, матн, ривоят, усул, саҳиҳлик шартлари.*

Аннотация: *В данной статье анализируются методы передачи хадисов Имамом Мухаммадом ибн Исмаилом Бухари (810 – 870), выдающимся учёным, занимающим особое место в истории исламских наук. Освещаются строгие критерии, которым он следовал при принятии хадисов от передатчиков, методы отбора передатчиков в процессе сбора и классификации хадисов, а также некоторые условия достоверности хадисов. Кроме того, рассматриваются стилистические особенности написания труда «Ал-Джами' ас-Сахих» и причины выбора такого названия.*

В статье анализируются взгляды Имама Бухари на выбор учителей, оценку передатчиков (سند) и текстов хадисов (متن), а также критерии надёжности в передаче. Через конкретные примеры из «Ал-Джами' ас-Сахих» и других его трудов раскрываются особенности его метода передании (риваята).

Дополнительно проводится анализ применённой им методологии и её практического использования. Методика Имама Бухари в принятии, передаче и классификации хадисов помогает выявить ряд научных, практических и теоретических подходов, которые до сих пор оставались малоизученными в науке хадисов.

В частности, статья направлена на раскрытие научного наследия Имама ал-Бухари в области хадисоведения, значения его методов в развитии исламских наук и их актуальности в современной исламоведческой науке.

Материал представляет собой не только практическое доказательство величия Имама ал-Бухари как выдающегося специалиста в области хадисов, но и служит научным опровержением различных необоснованных утверждений в его адрес, предоставляя важные аргументы и первоисточники.

Ключевые слова: *Имам Бухари, мухаддис, метод, «Сахих ал-Бухари», аль-Джами' (сборник), сахих (достоверность), хадис, иснад (цепочка передатчиков), матн (текст), риваят (передача), подход, условия достоверности.*

Abstract: *This article examines the methods employed by Imam Muhammad ibn Isma'il al-Bukhari (810–870), a prominent figure in the history of Islamic sciences, in the narration of hadiths. The study analyzes the author's stringent criteria for accepting and transmitting hadiths from narrators, his methodology in selecting transmitters during the processes of collection and classification, and certain conditions for the authenticity (ṣaḥīḥ) of hadiths. Furthermore, it discusses the compositional style of al-Jāmi' al-Ṣaḥīḥ, the reasons behind its title, and al-Bukhari's distinctive approaches to the selection of teachers and his evaluation of chains of transmission (isnād).*

Additionally, the article provides a scholarly analysis of the author's approaches to the critique of isnad (chain of transmission) and matn (text), along with the standards for evaluating the reliability of narrations. The study also illustrates Imam Bukhari's methods of narration in Al-Jami' as-Sahih and his other works through concrete examples.

Moreover, the methodology employed by Imam Bukhari is analyzed, providing important insights into its practical application. His approaches to the reception, narration, and classification of hadiths contribute to revealing a number of scholarly, practical, and theoretical methods in the science of hadith that have hitherto remained largely unexplored.

In particular, the article aims to highlight Imam Bukhari's scholarly legacy in the science of hadith, his methodological contributions to the development of Islamic sciences, and his significance in contemporary Islamic studies.

The article demonstrates, in practical terms, the greatness of Imam Bukhari's standing in the field of hadith studies and provides important evidence and sources to refute groups that make unfounded claims against the scholar's reputation.

Key words*: Imam Bukhari, muhaddith, approach, Sahih al-Bukhari, compilation, sahih, hadith, isnad, matn (text), narration, methodology, criteria of authenticity.*

КИРИШ

Ҳадис илми ислом маънавий меросининг энг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) дан келган суннатни тўғри сақлаш ва авлодларга етказиш беқиёс аҳамиятга эга. Бу ўринда муҳаддислар орасида алоҳида мақомга эга буюк аллома – Имом Бухорий (810–870 й.)нинг хизмати беқиёсдир. Унинг "ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" асари ислом оламида Қуръони каримдан кейинги энг ишончли манба сифатида тан олинган. Алломанинг мазкур шоҳ асари ва ҳадис илмидаги услубларини ўрганиш ҳадисшунослик илми ривожига ва аждодлар меросини тарғиб қилиш ёрдам беради.

Тадқиқот мақсади Имом Бухорийнинг ҳадисларни қабул қилиш, етказиш ва таснифлашдаги методларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолани ёзишда умумлаштириш, таққослаш, тизимлилик, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

МУҲОКАМА

Ҳозирги кунда юртимиздан етишиб алломалар фаолиятига нисбатан турли ахборий хуружлар юз бермоқда. Бундан кўзланган мақсад – муқаддас динимизни обрўсизлантириш ва унга хизмат қилган алломалар фаолиятини шубҳа остига қўйишдир. Юртимиздан етишиб чиққан буюк муҳаддислар қаторида Имом Бухорий шахсияти, фаолияти ва илмий мероси ҳақида ҳам шундай фикрлар билдирилмоқда. Хусусан, турли кимсалар томонидан аллома келтирган ҳадисларни ёлғонга чиқариш ҳолатлари кузатилмоқда, унга нисбатан асоссиз даъволар илгари сурилмоқда. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишда одамларга илмий асосланган маълумотларни етказиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабдан Имом Бухорий фаолияти ва илмий меросини ўрганиш, хусусан, "Саҳиҳул Бухорий" ҳадислар тўпламининг ёзилиш тарихи ва асар бобларини тартиблаш услубини таҳлил қилиш долзарб илмий масала ҳисобланади.

Имом Бухорий ҳадисларни тўплаш ва уларни таснифлашда мутлақ янги услубни қўллаган ҳолда саҳиҳ ҳадисларни жамлаб, китоб ҳолига келтирди. Муҳаддис бу асарни **"ал-Жомеъ ас-саҳиҳ ал-муснад мин ҳадис Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва сунаниҳи ва аййамиҳи"** ("Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари, суннатлари ва кунлари ҳақида жамланган ишонарли манба") деб номлагани ҳам бунинг исботидир.

"Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ"дан олдин ёзилган ҳадис тўпламлари аксарият ҳолларда шариатнинг маълум бир йўналишига оид ҳадисларни келтириш билан чекланган эди. Масалан: ажзоъ[1], муснад[2], маъожим[3] каби.

Имом Бухорийнинг ҳадис илмидаги услублари ҳадисни олиш, уни ёзиш, тўплаш, устозларни танлаш ва санад ровийлари ҳақидаги ёндашувларни ўз ичига олади. Муҳаддис ушбу асарни номлашда ҳам ўзгача услубни кашф этиб, бу билан у асар номи унинг мазмунига далолат қилишига ишора қилади. Яъни, "ал-Жомеъ" сўзларидан мақсад, Имом Бухорий ислом шариатига оид мутлақ масалалар ечимини асарга киритганини таъкидлашдир.

[1] "Ажзоъу – жузлар" услубида ёзилган ҳадис тўпламлари. Ҳадис ровийлари орасидан бир ровийнинг ривояти ёки маълум бир мавзуда чегараланган ҳолда тўпланган ҳадис тўплами шу услубда тасниф этилгандир. Имом Бухорийнинг "Рафъу-л-ядайн фи-с-солат", "Ал-Адаб ал-муфрад", "Ҳалқ афъол ал-ибод" каби асарлари шу услубда ёзилган.

[2] "Муснад – суянтирилган" услубига кўра ёзилган ҳадис тўпламлари. Бу услубда ёзилган ҳадис тўпламларида аввал саҳобани исми ва ундан сўнг ўша саҳобадан ривоят қилинган ҳамма ҳадис келтирилади. Бунда ҳадисни қайси мавзуга тааллуқли эканлиги инобатга олинмайди. Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг "Муснад" ҳадис тўплами, Абд ибн Ҳумайд Кешийнинг "Муснад" ҳадис тўплами шу услубда ёзилган.

[3] "Маъожим – алфавит тартиби" услубида тасниф этилган ҳадис тўпламлари. Бу турдаги ҳадис тўпламларида кўпинча мусанниф устозларининг исмлари ривоят қилган ҳадислари билан алфавит ҳарфлари тартибига кўра жойлаштирилган. Имом Табаронийнинг "ал-Мўъжаму-л-асғар", "ал-Мўъжаму-л-авсат", "ал-Мўъжаму-л-акабийр" ҳадис тўплами ҳамда Имом Бухорийнинг "Китоб аз-зуафо ас-сағийр" ("Заиф ровийлар ҳақида кичик китоб") рисоласи ҳам шу услубда тасниф қилинган. Бу китобда ҳадис ривоят қилувчилар ичида Имом Бухорий назарида ишончлилик жиҳатидан заиф – кучсиз ҳисобланган шахслар ҳақида маълумотлар берилган. Муаллиф ушбу асарида заиф ровийларнинг исмларини алифбо тартибида келтирган.

“Ал-Жомеъ – барча масалаларни ўзида жамловчи**”** услубига кўра тасниф қилинган ҳадис тўпламлари ҳадис тасниф этишдаги усулларни энг машҳури ва мукаммалидир. Бу услубда ёзилган ҳадис тўпламида ақоид, фиқҳ, ибодатлар, муамолотлар, тарих, тафсир, сийрат, одоб-ахлоқ, маноқиб (мартаба)лар, фитналар, қиёмат хабарлари ва бундан бошқа жамиятдаги ақидавий, фиқҳий, ижтимоий, сиёсий, тарихий ва иқтисодий муамолотларга доир ҳадислар жамланган. Яъни, Имом Бухорий бу ҳадис тўплами шариат илмига хос барча йўналишларни қамраб олганини таъкидлаш учун ҳам “ал-Жомеъ” иборасини асар номига киритган.

Шайх Тоҳир Жазоирий бундай дейди: “Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” (“Ишончли ҳадислар тўплами”) асари номланишида “ал-Жомеъ” (“Тўплам”) деган сўзни қўллаганидан маълум бўладики, у зот ўз китобида бир турдаги ҳадисларни иккинчи турдаги ҳадислардан устун қўймаган, балки барча мавзудаги ҳадисларга тенг ўрин ажратган. Шу боисдан ҳам у киши ўз китобларига ҳукмлар, фазилатлар, ўтмиш ва келажак хабарлари, шунингдек, одоб-ахлоқ ва хайр-саховатга доир ҳадисларни ҳам киритган. Китобини “ас-саҳиҳ” (“Ишончли ҳадислар”) деб баҳолаганининг боиси эса, унда бирорта ҳам заиф ҳадис йўқлигидир. Асарнинг баъзи муҳаддислар ноўрин танқид қилган жиҳатлари хусусига келсак, уларнинг ҳар бирига фақиҳ уламолар ўз асарларида раддия берган” (Тоҳир Жазоирий, 2011: 220).

Асарнинг **“ас-саҳиҳ”** деб номланиши ҳақида. Имом Бухорий услубларидан энг биринчиси саҳиҳ ҳадисларни йиғиб, тўплам ҳолига келтириш эди. Алломагача ўтган муҳаддислар ўз тўпламига эшитган барча ҳадисларни танлаб ўтирмай киритаверган. Шу сабабли муҳаддис мазкур асарга фақат саҳиҳ ҳадисларни киритган. Ушбу асарнинг ғоят аҳамиятли томони ҳам ушбу услубдир.

Бу ҳақда муаллифнинг ўзи ҳам: “Мен “ал-Жомеь”га фақат саҳиҳ ҳадисларнигина киритдим”, деб айтган (Ибн Ҳожар Асқалоний, 2001:9). Ҳофиз ибн Ҳожар: “Имом Бухорий ўз китобига фақат саҳиҳ ҳадисларни киритишга қарор қилган. Бу эса китобни “ал-Жомеь ас-саҳиҳ” деб номлаганидан ҳам кўриниб турибди”, деган. Алломадан олдин ҳадис илми билан шуғулланган муҳаддислар олаётган ҳадисларини саҳиҳ, ҳасан ва заифлигини[4] ажратмасдан киритганини айтиб ўтдик (Нодир Қобилов, 2019:12).

Имом Бухорий эса турли ровийлардан эшитган ҳадисларни табақага бўлиб, ишончлиларини ажратган ҳолда алоҳида китоб ёзди. Аллома Ибн Салоҳнинг таъкидлашича, Имом Бухорийнинг бу асарига киритган саҳиҳ ҳадислар сони такрор келганлари билан бирга 7275 та бўлиб, такрорланмайдиган ҳолда эса 4000 ҳадисдан иборат (Усмон Шаҳрузий, 1986:20).

Имом Бухорийнинг ҳадисларни қабул ва етказишдаги методлари ҳамда саҳиҳлик шартлари тўғрисида араб тилида ёзилган, аммо тартибга солинмаган бир қанча манбалар мавжуд. Асарлар “Услубул Бухорий”, “Манҳажул Бухорий (Имом Бухорий услублари)”, “Шуруту Имамил Бухорий (Имом Бухорийнинг шартлари)”, “Сийратул Бухорий” номлари билан аталган (Абдусалом Муборакфурий, 2001:249, 340).

Муҳаддисларнинг ҳадис қабул қилишдаги шартлари олимлар томонидан тадқиқ этилиб, махсус асарлар ҳам битилган. Масалан, Ибн Тоҳир Муқаддасийнинг “Шурут ал-аимма ас-ситта” (“Олти муҳаддис шартлари”), Абу Бакр Хозимийнинг “Шурут ал-аимма ал-хамса” (“Беш муҳаддис шартлари”) асарлари шулар жумласидандир.

Манбаларда “Имом Бухорийнинг шартлари” деб аталадиган қоидалар асосан қуйидагилардан иборат: нақл занжири муттасил, яъни узлуксиз, ҳадис ровийси ислом динига мансуб, ҳақгўй, вазмин, одил, имон-эътиқоди комил ва мустаҳкам бўлиши, хотираси мустаҳкам, ўткир зеҳнли, хато-нуқсони кам, сифатига нуқсон етказадиган иллатлар ва тарқоқликдан холи бўлиши лозим (Убайдулла Уватов, 1998:26).

НАТИЖА

Имом Бухорий яшаган даврда ҳадис илми жуда кенг тараққий этган ва кўплаб муҳаддисларнинг ҳадис тўпламлари мавжуд эди. Имом Бухорийнинг ҳадисларни тўплаш ва тасниф қилишда қўллаган услуби у зот вафотидан кейин ҳам сақланиб қолди. Бир қанча муҳаддислар ўз асарларини Имом Бухорий услубига кўра тасниф қилди. Бунга тўрт сунан асар муаллифлари ва Ибн Ҳиббонни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Шундай бўлса-да, ўша замонда ва ундан кейин келган ислом уламолари ва муҳаддис олимлар наздида фақат Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ҳадислар тўплами энг саҳиҳ ва энг мукаммал бўлиб эътироф этилди.

Бунинг сабаби – Имом Бухорий ҳадисларни ўзига етказиб келган ровийлардан ривоятини қабул

[4] Саҳиҳ ҳадис – санади муттасил боғланган бўлиб, ровийлари одиллик ва хотирасини ўткирлиги билан танилган ҳамда турли ихтилоф ва зарар етказувчи сабаблардан холи бўлган ҳадис. Ҳасан ҳадис – саҳиҳлик шартларига тўлиқ жавоб берган, аммо ровийларини баъзисини хотираси жуда кучли бўлмаган ҳадис. Заиф ҳадис – саҳиҳ ва ҳасан шартларини ўзида мужассам қилмаган ҳадис.

қилиб китобат қилишдаги шартлари ва талаблари бошқа муҳаддисларникидан кўп бўлгани, ровийдан ҳадис қабул қилишда қатъий талабларни қўйганидир (Тоҳир Жазоирий, 2011:272).

Маълумки, Имом Бухорий "ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" асарига фақат саҳиҳ ҳадисларни киритган. Албатта, бу ишни амалга ошириш учун ҳадисларни қабул қилишда у зот муайян методлар ишлаб чиққан ва ундаги шартларга қатъий риоя қилган.

Имом Бухорийнинг "ал-Жомеъ ас-саҳиҳ" ҳадис тўпламини ёзишдаги энг биринчи услуби – бу ундаги ҳадислар саҳиҳ бўлишига жуда катта эътибор қаратганидир. Шу сабабли у зот ҳар бир ҳадисни эшитиб ёзиб олишдан олдин унинг ровийларининг[5] кимлигига, шариатга амал қилиш-қилмаслигига ҳамда диний ва дунёвий адолатига жуда катта эътибор берган. Эътиқоди суст ва ёлғон билан оз бўлса-да танилган кишилардан умуман ҳадис олмаган. Дарҳақиқат, Имом Бухорий шунчалик диққат ва эътибор билан саҳиҳ ҳадисларни тўплаган. Сохта, тўқима ҳадисларни эса фақат бошқаларга билдириш учун ёд олган (Мухамедов Н., 2017:5-12), холос.

Ҳадисни ровийдан қабул қилиб олиш усулига келсак, шайх устозларини танлашда, тадқиқ қилишда ва улардан ҳадис ёзиб олишда ўз олдига маълум бир шарт ва методларни қўйган. Яъни ҳадисларни фақат ишончли ровий – шайхлардан олган. Бу ҳақда муҳаддис: "Бир минг саккиз юз муҳаддисдан ҳадис ёзиб олдим", "Минглаб ва ундан-да кўпроқ уламодан ҳадис ёзиб олдим. Ёд олганларим орасида ривоят занжири бўлмаган (санадсиз) ҳадис йўқ", деган (Имом Заҳабий, 1990:407).

Манбаларда "Имом Бухорийнинг шартлари" деб аталадиган қоидалар, асосан, қуйидагилардан иборат: нақл занжири муттасил, яъни узлуксиз, ҳадис ровийси ислом динига мансуб, ҳақгўй, вазмин, одил, имон-эътиқоди комил, хотираси мустаҳкам, ўткир зеҳнли, хато-нуқсони кам, сифатига нуқсон етказадиган иллатлар ва тарқоқликдан холи бўлиши лозим эди (Убайдулла Уватов, 1998:26).

Ҳадис ривоят қилувчи ровийнинг сифати ва ахлоқига катта эътибор берган. Ровийнинг сифати ва ахлоқи талабга жавоб бермаса, ундай ровийдан ҳадис қабул қилмаган (Тоҳир Жазоирий, 2011:220). Сифати мажҳул, кимлиги ва насаби номаълум, сифатига қадҳ (жарҳ) етган ровийлардан, шу жумладан, санад табақасида ёлғиз бўлиб қолган ровийлардан умуман ҳадис ривоят қилмаган (Ҳамза Малийборий, 2000:363).

Имом Бухорийнинг асосий рағбати (қизиқишлари) ҳадиснинг саҳиҳлигига ишонч ҳосил қилиш учун ровийларнинг аҳволи ва ҳадисни кимдан қандай қабул қилиб олганларини билиш бўлган. Бу ҳақда муҳаддис шундай дейди: "Менинг ҳадисни ёзишим бу одамлар ёзгандек эмас эди. Агар мен бир кишидан ҳадис оладиган бўлсам, унинг исми, куньяси, насаби ва агар унинг (ҳадис соҳасида) тушунчаси бўлса, ҳадисни қандай етиб келгани ва маъноси ҳақида албатта сўрар эдим. Агар унинг тушунчаси бўлмаса, ундан асли ва унинг нусхасини сўрар эдим. Бошқалар эса, нима ёзганлари ва қандай ёзишларига парво қилмас эди" (Хатиб Бағдодий, 2004:25).

Имом Бухорийнинг саҳиҳ деб ҳадис қабул қилишдаги энг қатъий ва ўзгармас услубларидан яна бири – бу ҳадисларни фақат ўзи ва бошқа кўпчилик муҳаддислар томонидан ишончли деб топилган, ҳадисда собитқадам ровийлардан олиш бўлган. Гарчи ҳадис ривояти кўп бўлса ҳам, кўпчилик томонидан ишончли деб эътироф этилмаган бўлса, ундан ҳадис қабул қилмаган. Бу ҳақда Имом Бухорий бундай деган: "Эй, Абу Фулон (Фалончининг отаси)! Мени ҳадисда тадлийс[6] қилганимни кўрганмисан?! Мен бир ровийда "Ривоятларини текшириб кўриш керак" деган сифати мавжуд бўлгани учун ундан эшитган 10 000 ҳадисни тарк қилганман. Шу сингари ўшандай сифати борлиги учун ундан бошқа кўплаб ровийларнинг ҳадисларини тарк қилганман (Хатиб Бағдодий, 2004:25)".

Таъкидлаб ўтганимиздек, муҳаддис ровийнинг тақвоси, адолати, динга амал қилиш ва қилмаслигига ҳам катта эътибор қаратган. Имон-эътиқодда мустаҳкам, ислом арконларига қатъий амал қиладиган, омонатдор ва тақводор ровийлардан ривоят қилинган ҳадисларни қабул қилган. Шаръий аҳкомларга тўлиқ амал қилмайдиган ровийдан ҳадис қабул қилмаган. Бу ҳақда Маккий ибн Халаф ривоятида Имом Бухорийнинг ўзи: "Имон – сўз ва амал қилишдан иборат" дейдиган минг, балки ундан ҳам кўпроқ уламолардан ҳадис ёзиб олдим. "Имон фақат сўздан иборат" дейдиганлардан ҳадис олмадим," деган (Имом Бухорий, 1986:9); (Абу Ҳасан Ашъарий, 1955:75); (Шамсуддин Заҳабий, 1990:395).

Бошқа ривоятда: "Имон – сўз ва амал қилишдан иборат. Қуръон – Аллоҳнинг каломидир" деб айтган Ҳижоз, Ироқ, Шом, Миср, Хуросондаги мингдан ортиқ ровийларни учратдим. Уларнинг бирортасини бу эътиқодда хилоф бўлганини кўрмадим", деган (Ҳофиз Абдулғани Мақдисий, 2016:82).

[5] Ровий – ҳадисни тинглаб ўзидан кейинги кишиларга етказиб берувчи шахс.

[6] Ҳадиснинг даражасини ошириш учун ровийни бошқа машҳурроқ ровийга гумон қилиниш мақсадида унинг фақат куньяси ёки исмини келтириш билан кифояланиш, яъни ровий шахсини яшириш.

Муҳаддиснинг “Имон – сўз ва унга амал қилиш” деб эътиқод қилмаган кишидан ҳадис ёзиб олмаслик услуби” таснифотларининг ҳар бирида, хусусан, “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ҳадис тўплами ва “ат-Тарихул кабир” асари учун қатъий бир қоида ва дастуруламал сифатида бутун умри мобайнида давом этди.

Шунингдек, муҳаддиснинг услубларидан яна бири – агар ровий муҳаддиснинг талабларига жавоб берса, унинг ёши ва даражаси катта-кичиклигига эътибор бермасдан ҳадисини қабул қилишдир. Бу ҳақда Имом Бухорий: “Муҳаддис ҳадисда ўзидан мартабаси баланд, тенг ва паст ровийлардан ҳадис ёзиб олмагунча комил бўлмайди”, деган (Ибн Ҳожар Асқалоний, 2001:48).

Имом Бухорийнинг ривоят қилиш усулларидан яна бири ҳадиснинг нақл занжири бир ўринда олий санад бўлса, бошқа бир ўринда қуйи санад бўлиб келади. Бу услуб орқали ўқувчи муҳаддиснинг санад илмида тенгсиз эканини англайди. Шунинг учун Абу Тоҳир: “Имом Бухорий ҳадис айтганда санадда ровийнинг исмини келтирмаслиги унинг кимлигини билмайди, дегани эмас. Имом Бухорий кўплаб ўринларда “Бир кишидан, у Моликдан ривоят қилинади”, деб ҳадис айтган”, дейди (Шамсуддин Заҳабий, 1983:9).

Масалан: Имом Бухорий бир ҳадисни бир ўринда “Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Муснидийдан, у Муовия ибн Амрдан, у Исҳоқ Фазорийдан, у Молик ибн Анас розияллоҳу анҳудан” деб ривоят қилган ва санадда таҳвил услубини қўллаб, “Менга Савр ҳадис айтди: Менга Солим – Ибн Мутиънинг озод қилган қули ҳадис айтди: У Абу Ҳурайра (р.а.) дан эшитибди”, деб ҳадис санадининг саҳиҳлик даражасини оширган:

3993 - حدثنا عبد الله بن محمد حدثنا معاوية بن عمرو حدثنا أبو إسحاق عن مالك بن أنس ح قال حدثني ثور قال حدثني سالم مولى ابن مطيع أنه سمع أبا هريرة رضي الله عنه يقول افتتحنا خيبر ولم نغنم ذهبا ولا فضة إنما غنمنا البقر والإبل والمتاع والحوائط . .....

Бошқа ўринда айнан ўша ҳадисни таҳвил[7] услуби билан яна “уч кишидан” ривоят қилади:

قال حدثني ثور قال حدثني سالم مولى ابن مطيع أنه سمع أبا هريرة رضي الله عنه يقول

Яъни, ушбу услуб билан ҳадисни сулосий даражада эканига ишора қилган.

Муҳаддиснинг эътиборга молик яна бир услуби шуки, санад айрим ўринларда ровийларнинг вафоти тартибига кўра келтирилган. Абдуллоҳ ибн Муборак Молик ибн Абдуллоҳ, Суфён ва Шўъбадан ёшроқ бўлиб, вафоти кечроқдир. Имом Бухорий уларнинг вафоти тартибига кўра ривоят келтирган. Кейин яна таҳвил услубига кўра, “Саид ибн Марвондан, у Муҳаммад ибн Абдулазиз ибн Абу Заръадан, у Абу Солиҳ (Абдуллоҳ ибн Солиҳ) Салмавайҳдан, у Абдуллоҳ ибн Муборакдан ҳадис айтди” санади билан ривоят қилган. Масалан:

4671 - حدثنا يحيى بن بكير حدثنا الليث عن عقيل عن ابن شهاب ح وحدثني سعيد بن مروان حدثنا محمد بن عبد العزيز بن أبي زرعة أخبرنا أبو صالح سلمويه قال حدثني عبد الله بن المبارك عن يونس بن يزيد قال أخبرني ابن شهاب أن عروة بن الزبير أخبره أن عائشة زوج النبي صلى الله عليه وسلم قالت كان أول ما بدئ به رسول الله صلى الله عليه وسلم الرؤيا الصادقة في النوم. ....

Ҳадисларни тасниф қилиш ёндашувига келсак, ҳадис ёзиш ва уларни тасниф қилишда кўплаб афзалликлари, жумладан, замон (вақт) ва макон жиҳатлари билан ажралиб турарди (Mukhamedov N., 2020:75-81). У ўзининг “Саҳиҳ” тўпламини ёзишда ёд олиш қобилиятининг беназирлиги, хотирасининг кучлилиги, идроки кенглиги ва чуқур билимига қарамай, мазкур асарини ўн олти йилда ёзиб бўлган. Асарни ёзишда сабр-тоқатли бўлиб, кенг мулоҳаза орқали исломда долзарб бўлган турли мавзуларни қамраб олишга ҳаракат қилган. Бу эса асарнинг илмий қиймати жуда юқори эканидан далолат беради. Бу ҳақда Имом Бухорий “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ҳадис тўпламининг ёзилиш муддати ҳақида: “Ушбу китобимни ўн олти йил давомида тасниф қилдим. Китобни олти юз минг ҳадис орасидан энг саҳиҳларини ажратиб олиб ёзиб чиқдим ва уни ўзим билан Аллоҳ азза ва жалла ўртасидаги ҳужжат қилдим”, деган (Шайх Абдулқодир Жалол , 2018: 32-33); (Хатиб Бағдодий, 1983:185).

Муҳаддис шартларидан бири, ғайрисаҳиҳ ҳадисларни киритиб қўйишдан сақланиш мақсадида ҳадисларнинг ҳар бирини китобга киритишдан олдин ғусл қилиб, истихора юзасидан икки ракаат намоз ўқиганини, ундан сўнг мазкур ҳадисни тўпламга киритганини алоҳида таъкидлаш керак. Бу ҳақда Имом Фирабрийдан шундай ривоят қилинади: “Имом Бухорийнинг: “Мана бу “ас-Саҳиҳ” китобимга ҳар бир ҳадисни ғусл қилиб, икки ракаат намоз ўқиганимдан кейингина киритдим”, деб айтаётганини эшитганман” (Ибн Ҳожар Асқалоний, 1880:5).

Имом Бухорий ҳадисларни ровийлардан ёзиб олишга катта масъулият ва эҳтиётқорлик билан ёндашган. “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” ҳадис тўпламининг ёзилиш муддати узун бўлишига, ҳар бир ҳадисни ўта қатъий талаблар асосида киритган бўлишига қарамасдан уни қайта-қайта тасниф қилиб чиққан. Бу ҳақда муҳаддиснинг ўз бундай дейди: “Барча китобларимни уч мартадан тасниф қилиб чиқдим” (Шамсуддин Заҳабий, 1990:403); (Тожуддин Субкий,

[7] تحويل – ح] [(таҳвийл – санадни қайтадан бошлаш) – муҳаддис ўзига икки йўл билан етиб келган ҳадисни келтирилганда унинг санади ўртасида маълум бир ровийга етгандан сўнг ушбу ҳадис матнининг ўзига етиб келишдаги иккинчи йўлини ҳам ривоят қилиб келтирганда ушбу белгини қўллаган.

1992:7). Яъни аллома китобларини қайта-қайта текшириб, таҳрир қилиб, сўнг оққа кўчирган (Ибн Ҳожар Асқалоний, 1880:403).

“Саҳиҳул Бухорий”нинг ёзилиш услубларидан яна бири – бу муҳаддис ҳадис тўпламининг ишончли манба бўлишига алоҳида эътибор қаратганидир. Шу мақсадда аллома уни уч марта бобларини тартибга солиб, таснифлаб чиққан.

Ҳадисшунослик илмида “Саҳиҳ” деб тан олинган олтита тўпламнинг муаллифлари ҳам Имом Бухорий услубларидан истифода қилган ҳолда ўз асарларини тасниф этган. Имом Бухорийнинг ҳадис қабул қилишдаги талаблари бу билан тўхтаб қолмайди. Муҳаддиснинг шартлари олимлар томонидан тадқиқ этилиб, махсус асарлар ҳам битилган. “Манҳажул Бухорий” (“Имом Бухорий усуллари”), “Мавқифул имомайн ал-Бухорий ва Муслим” (“Имом Бухорий ва Имом Муслимнинг ҳадис қабул қилишдаги ёндашувлари”), “Шурут ал-аимма ас-ситта” (“Олти муҳаддис шартлари”), “Шурут ал-аимма ал-хамса” (“Беш муҳаддис шартлари”) асарлари шулар жумласидандир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Имом Бухорий “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асарига фақат саҳиҳ ҳадисларни киритган. Албатта, бу ўта машаққатли ва хайрли ишни амалга оширишда муаллиф муайян методлар ишлаб чиққан ва ундаги шартларга қатъий риоя қилган. Умуман, ҳадисшунослик илмида “Саҳиҳ” деб тан олинган олтита тўпламнинг муаллифлари ҳам, бошқа кўплаб муҳаддислар ҳам Имом Бухорийнинг методларидан намуна олиб, ўзига хос шартларга риоя қилган ҳолда ўз ҳадис тўпламларини тасниф қилган.

Имом Бухорий илмий фаолияти давомида ҳадисларни қабул қилиш, ривоят қилиш ва ёзиб олишда жорий қилган методларига умри давомида қатъий амал қилган. Бу ишни амалга оширишда аллома масъулият ва ҳалоллик билан ёндашган. Имом Бухорий ва унга замондош муҳаддислар томонидан ҳадис илми соҳасига татбиқ этилган методларни тадқиқ этиб, моҳияти бирма-бир очилгани сари Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг муборак ҳадисларини кейинги авлодларга соф ҳолда етказиш учун салаф уламолар хизмати қанчалик катта бўлганини англаб етамиз.

Таклиф: Юқорида билдирилган фикрлар асосида қуйидаги таклифларни билдириш мумкин:

1. Имом Бухорий ва бошқа уламоларимиз фаолиятини янада кенгроқ ёритиш учун уларнинг тарихи ва илмий меросини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш лозим. Бу борада илмий соҳа вакилларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

2. Муҳаддис алломанинг “Саҳиҳул Бухорий” асарини лексик-семантик таҳлил жиҳатидан эмпирик ва назарий тадқиқ этиш ва дедуктив хулосалар бериш.

3. “Саҳиҳул Бухорий”дан долзарб мавзулар танланган ҳолда бир неча йўналишда қирқ ҳадисдан иборат шарҳ тўпламлари тайёрлаш. Бу, ўз навбатида, турли ахборий хуружларга қарши туришда муҳим роль ўйнайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдусалом Муборакфурий (2001). “Сийратул Имом ал-Бухорий”. “Оламул фавоид” нашриёти. – Макка. 2-жилд. – 431 б.
2. Абу Ҳасан Ашъарий (1955). Ал-Ламаъ фий ар-радду аъла аҳлил зайғи вал бидаъ. “Матбаъату Миср” нашриёти. – Миср. – 140 б.
3. Ибн Ҳожар ал-Асқалоний – Аҳмад ибн Али (1880). Фатҳул Борий. Тошбосма. – Қоҳира. – 600 б.
4. Ибн Ҳожар Асқалоний – Ҳофиз Аҳмад ибн Али (2001). Ҳадюс сорий муқаддимату “Фатҳул борий”. Абдулқодир Шайбатул Ҳамд таҳқиқи. “Мактабатул Малик Фаҳд”. – Риёз. – 500 б.
5. Имом Бухорий – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (1986). Тарихус сағир. “Дорул маърифа” нашриёти. – Байрут. – 823 б.
6. Имом Заҳабий – Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон (1983). Сияру аъломин нубало. “Муассасатур рисола” нашриёти. – Байрут. 12-жилд. – 663 б.
7. Мухамедов, Н. (2017). Наука о хадисах и деятельность ученых в Шоше в средние века. Востоковедения, 3(3), 5–12. https://inlibrary.uz/index.php/oriental-studies/article/view/15614
8. Mukhamedov Nematullo (2020) “ACTIVITIES OF HADITH SCHOLARS (MUHADDIS) OF SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION”. The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 11. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/11. -P. 75-81.
9. Муҳйиддин Яҳё ибн Шараф Нававий (2008). Муқаддимату “Саҳиҳул Бухорий”. “Жомиатул қуро” нашриёти. – Макка. 1 жилд. – 176 б.
10. Қобилов Нодир (2019). Имом Бухорий таърифи. (Ҳаммуаллифликда). ИБХИТМ. Ғофур Ғулом номидаги нашриёт. – Тошкент. – 184 б.
11. Тожуддин Субукий (1992). Табақотуш-шофиъияти-л-л-кубро. “Дорул ҳижр” нашриёти. – Қоҳира. 2-жилд. – 487 б.
12. Тоҳир ал-Жазоирий ал-Дамашқий (2011). Тавжиҳун назар ила усулил асар. Ал-Матбаъатил исломия. Ҳалаб. 1-жуз. – 1119 б.

13. Тоҳир Жазоирий Дамашқий (1995). Тавжиҳун назар ила усулил асар. Ал-Матбуъатил исломия. – Ҳалаб. 1-жуз. – 803 б.
14. Убайдулла Уватов (1998). Буюк муҳаддислар. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. – Тошкент. – 46 б.
15. Усмон ибн Абдуроҳман Шаҳрузий (1986). Улумил ҳадис ли Ибни Салоҳ. “Дарул фикр” нашриёти. – Дамашқ. – 520 б.
16. Хатиб Боғдодий – Ҳофиз Аҳмад ибн Али (2004). Тариху Боғдод. “Кутубул илмия” нашриёти. – Байрут. 2-жилд. – 433 б.
17. Хатиб Боғдодий (1983). Ал-Жомеъ ли ахлоқир ровий ва одобис сомиъ. “Мактабатул маориф” нашриёти. – Риёз. 2-жилд. – 352 б.
18. Холид Мансур Абдуллоҳ ад-Дарис (1993). Мавқифу ал-имамайни ал-Бухорий ва Муслим мин ашротил лиқя вас-симоъ. Мактабатур рушд нашриёти. – Риёз. – 535 б.
19. Ҳамза Абдуллоҳ ал-Малийборий (2000). Манҳажу ал-Имам ал-Бухорий фий тасҳиҳи-л-аҳадиси ва-т-таълилиҳа. “Дору ибн Ҳазм”. – Байрут. – 395 б.
20. Ҳофиз Абдулғани ибн Абдулвоҳид Мақдисий (2016). Ал-Камолу фий асмои ар-рижол. “Мактабатул Муборак” нашриёти. – Қувайт. 1-жилд. – 544 б.
21. Шайх Абдулқодир ибн Муҳаммад Жалол (2018). Эълоул Бухорий. “Дору салаф” нашриёти. – Риёз. – 213 б.
22. Шамсуддин Заҳабий (1990). Сияру аъломин нубало. “Муассасатур рисола” нашриёти. – Байрут. 12-жилд. – 663 б.

REFERENCES

1. Abdulqodir ibn Muhammad Jalol (2018). E’loul Buxoriy. “Doru salaf” nashriyoti. Riyoz. – 213 b.
2. Abdusalom Muborakfuriy (2001). “Siyratul Imom al-Buxoriy”. “Olamul favoid” nashriyoti. Makka. 2-jild. – 431 b.
3. Abu Hasan Ash’ariy (1955). Al-Lama’ fiy ar-raddu a’la ahlil zayg‘i val bida’. “Matba’atu Misr” nashriyoti. Misr. – 140 b.
4. Hamza Abdulloh al-Maliyboriy (2000). Manhaju al-Imam al-Buxoriy fiy tashihi-l-ahadisi va-t-ta’liliha. “Doru ibn Hazm”. Bayrut. – 395 b.
5. Hofiz Abdulg‘ani ibn Abdulvohid Maqdisiy (2016). Al-Kamolu fiy asmoi ar-rijol. “Maktabatul Muborak” nashriyoti. Quvayt. 1-jild. – 544 b.
6. Ibn Hajar al-Asqaloniy – Ahmad ibn Ali (1880). Fathu-l-Boriy. Toshbosma. Qohira. – 600 b.
7. Ibn Hajar Asqaloniy – Hofiz Ahmad ibn Ali (2001). Hadyus soriy muqaddimatu “Fathul boriy”. Abdulqodir Shaybatul Hamd tahqiqi. “Maktabatul Malik Fahd”. Riyoz. – 500 b.
8. Imom Buxoriy – Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil Buxoriy (1986). Tarixu-s-sag‘ir. “Dorul ma’rifa” nashriyoti. Bayrut. – 823 b.
9. Imom Zahabiy – Muhammad ibn Ahmad ibn Usmon (1983). Siyaru a’lomun nubalo. “Muassasatur risola” nashriyoti. Bayrut. 12-jild. – 663 b.
10. Мухамедов, Н. (2017). Наука о хадисах и деятельность ученых в Шоше в средние века. Востоковедения, 3(3), 5–12. https://inlibrary.uz/index.php/oriental-studies/article/view/15614
11. Mukhamedov Nematullo (2020) “ACTIVITIES OF HADITH SCHOLARS (MUHADDIS) OF SHASH OASIS IN SCIENTIFIC CENTERS OF THE REGION”. The Light of Islam: Vol. 2020 : Iss. 2 , Article 11. Available at: https://uzjournals.edu.uz/iiau/vol2020/iss2/11. -P. 75-81.
12. Muhyiddin Yahyo ibn Sharaf Navaviy (2008). Muqaddimatu “Sahihul Buxoriy”. “Jomiatul quro” nashriyoti. Makka. 1 jild. – 176 b.
13. Nodir Qobilov (2019). Imom Buxoriy ta’rifi. (Hammualliflikda). IBXITM. G‘ofur G‘ulom nomidagi nashriyot. Toshkent. – 184 b.
14. Shamsuddin Zahabiy (1990). Siyaru a’lomin nubalo. “Muassasatur risola” nashriyoti. Bayrut. 12-jild. – 663 b.
15. Tohir al-Jazoiriy al-Damashqiy (2011). Tavjihu-n-nazar ila usuli-l-asar. Al-Matba’ati-l-islomiya. Halab. 1-juz. – 1119 b.
16. Tohir Jazoiriy Damashqiy (1995). Tavjihu-n-nazar ila usuli-l-asar. Al-Matbu’ati-l-islomiya. Halab. 1-juz. – 803 b.
17. Tojiddin Subukiy (1992). Tabaqotush-shofi’iyati-l-l-kubro. “Dorul hijr” nashriyoti. Qohira. 2-jild. – 487 b.
18. Ubaydulla Uvatov (1998). Buyuk muhaddislar. “O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. Toshkent. – 46 b.
19. Usmon ibn Abdurohman Shahruziy (1986). Ulumil hadis li Ibni Saloh. “Darul fikr” nashriyoti. – Damashq. – 520 b.
20. Xatib Bog‘dodiy – Hofiz Ahmad ibn Ali (2004). Tarixu Bog‘dod. “Kutubul ilmiya” nashriyoti. Bayrut. 2-jild. – 433 b.
21. Xatib Bog‘dodiy (1983). Al-Jomi’ li axloqir roviy va odobis somi’. “Maktabatul maorif” nashriyoti. Riyoz. 2-jild. – 352 b.
22. Xolid Mansur Abdulloh ad-Daris (1993). Mavqifu al-imamayni al-Buxoriy va Muslim min ashroti-l-liqya vas-simo’. Maktabatur rushd nashriyoti. Riyoz. – 535 b.